

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Акрамов, судья ёрдамчиси О.Кобуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ёзёвон туман прокурори ёрдамчиси Р.Мамасолиев, судланувчи А.Шокиров, унинг ҳимоячиси “Advokat Xodjaev Shuhrat Kamoliddinovich” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Ходжаев ҳамда фуқаровий даъвогар С.Азимжоновнинг иштирокида, Шокиров Абдуллажон Анваржон ўғлини айблов ҳақидаги 1-1510-2501/231-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Шокиров Абдуллажон Анваржон ўғли (Shokirov Abdullajon Anvarjon o'g'li), 1994 йил 15 март куни Ёзёвон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Асл Шифо Планет” МЧЖ раҳбари, судланмаган, Ёзёвон тумани, “Ёшлик” МФЙ, Олмазор кўчаси, 25-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхаси 2025 йил 20 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқини, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи А.Шокиров “Асл Шифо Планет” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келгани ҳолда, жамиятнинг Ёзёвон тумани, “Баҳор” МФЙ, Андижон кўчаси, 10-уйда жойлашган хусусий шифохонасида ўрнатилган ичимлик суви кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида унга ташқаридан аралашиб, ичимлик сувига Ёзёвон тумани Сув таъминоти билан тегишли тартибда шартнома қилмасдан, 1 дона жами қуввати 0.40 м³ бўлган сув насосини 2024 йил 26 ноябрь кунидан 2025 йил 11 март кунига қадар ичимлик сувидан тижорат мақсадларида ноқонуний равишда фойдаланиб келиб, сув таъминоти корхонасининг 34.088.000 сўм (12м3х соат х106 кун=10 176 м³) миқдордаги мулкни яширин равишда талон-тарож қилган.

Судланувчи А.Шокиров айбига тўлиқ иқдор бўлиб, “Асл Шифо Планет” МЧЖ раҳбари экани, 2024 йил бошларида шифохонани кенгайтириш мақсадида Ёзёвон тумани, “Баҳор” МФЙ, Андижон кўчаси, 10-уйда жойлашган Х.Эргашевга тегишли бўлган бинони ижара олиб фойдаланиб келгани, 2024 йил 26 ноябрдан бошлаб тегишли лицензия олиб иш фаолиятини тўлиқ бошлагани, шу вақтдан Сув таъминоти корхонаси



билан шартнома тузмасдан ичимлик сувидан фойдаланиб келгани, 2025 йил 11 март куни сув таъминоти ходимлари томонидан шифохонада ичимлик сувидан фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат тадбири давомида, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётгани аниқланиб, ҳужжатлар расмийлаштирилгани, зарарни ўз ихтиёри билан тўлиқ бартараф этгани, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов вақтида бўлган воқеаларни ихтиёрий сўзлаб бергани, тергов вақтида жиноятни фош қилишга ёрдам бергани, шундан сўнг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, туман прокурори билан айбига иқрорлик келишувини тузгани, ўз ҳаракатларининг ноқонуний эканини тушуниб етгани, келишув оқибатларини англаб етгани, келишувни ихтиёрий равишда, ҳимоячиси билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин бергани, ўзига қўйилган айбловни тўлиқ тан олиши, мавжуд далилларни инкор этмаслиги, иш бўйича моддий зарар тўлиқ бартараф этилгани ва ҳозирда зарар мавжуд эмаслиги, келишувни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар С.Азимжонов судда, Сув таъминоти корхонаси Ёзёвон туман бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиши, “Асл Шифо Планет” МЧЖнинг Ёзёвон тумани, “Баҳор” МФЙ, Андижон кўчаси, 10-уйда жойлашган шохобчасида ичимлик сувига корхона билан тегишли тартибда шартнома тузилмасдан ноқонуний фойдаланиб келингани ҳолати 2024 йил 11 март куни аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, ҳозирда етказилган 34.088.000 сўм зарар вилоят прокуратурасининг тегишли ҳисоб-рақамига тўлангани, ушбу маблағни “Фарғона сув таъминот” АЖнинг “Madad Invest bank” АТВдаги ҳисоб-рақамига ўтказиб, судланувчига нисбатан енгиллик беришни ҳамда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” бандида, ўғрилиқ умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш йўли билан содир этилгани учун жавобгарлик белгиланган.

Шунга кўра ҳамда судда текширилган далилларга асосан суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Шокировнинг жиноий қилмиши ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” банди билан малакаланиб, тўғри тўхтамга келинган деб топади.

Суд, юқоридагиларга асосан ҳамда судланувчи, ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, А.Шокировнинг жиноят содир этганликдаги айби унинг иқрорлик кўрсатувларидан ташқари, ишдаги текшириш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳужжатлари, далолатномалар, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.



Суд, судланувчи, ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини тинглаб, А.Шокиров ҳамда Ёзёвон туман прокурори ўртасида айбига иқдорлик тўғрисидаги келишувни тузишда айбланувчи А.Шокировнинг процессуал ҳуқуқлари таъминлангани, у айбланаётган жиноят ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етгани, илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилгани, айбланувчи тергов органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмагани, жиноят оқибатида моддий зарар етказилмагани, келишувнинг айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилгани, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунгани, унинг оқибатларини англаб етгани ҳамда судланувчи келишувни қўллаб-қувватлаётганини назарда тутиб, судланувчи А.Шокиров ҳамда Фарғона шаҳар прокурори ўртасида тузилган айбига иқдорлик тўғрисидаги келишувларни тасдиқлаш лозимлиги ҳақида тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 3-сонли қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57²-моддасига кўра, айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Суд юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари, Жиноят кодекси нормалари ва Олий суд Пленуми Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи А.Шокировга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноят содир этилганидан кейинги ҳуққ-



атворини ҳисобга олиш билан бир қаторда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида уни муқаддам судланмагани, тадбиркорлик субъекти вакили экани, айбига иқрор ва пушаймонлиги, зарар миқдори катта эмаслиги ва тўлиқ бартараф этилганини эътиборга олиб, шу билан бирга жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, ЖКнинг 57²-моддасига асосан жарима жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473, 586⁷-586¹⁰-моддаларига амал қилиб, суд

х у к м қ и л д и:

Судланувчи Шокиров Абдуллажон Анваржон ўғли ва Ёзёвон туман прокурори ўртасида тузилган айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Судланувчи Шокиров Абдуллажон Анваржон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” бандида назарда тутилган жинойтни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Шокировга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” банди билан ЖКнинг 57²-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари миқдорида 11.250.000 (ўн бир миллион икки юз эллик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

А.Шокировга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин. 8.000.000 сўм гаров пули А.Шокировга қайтарилсин.

Иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Фарғона вилоят прокуратурасининг «Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб-рақамига топширилган 34.089.000 (ўттиз тўрт миллион саксон тўққиз минг) сўм пул маблағлари “Фарғона сув таъминот” АЖнинг “Madad Invest bank” АТВдаги (Х/Р 20210000700194935003, СТИР: 200144902, МФО 01142) ҳисоб-рақамига йўналтирилсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Акрамов

Нусхаси аслига тўғри:

